

Назорат қилувчи органлар фаолиятини
мувофиқлаштирувчи Республика
кенгашининг 2014 йил
30 ноябрдаги мажлисида маъқулланган
04 - сонли қарори

Ўзбекистон матбуот ва ахборот
агентлигининг
2015 йил «22» Июль даги
144 -сонли буйруғи билан
тасдиқланган
1 -илова

**Матбаа фаолияти билан шуғулланаётган тадбиркорлик
субъектларида ўтказилган профилактика ишларининг самарадорлиги
асосида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги марказий аппарати,
Қорақалпоғистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги,
Тошкент шаҳар ва вилоятлар матбуот ва ахборот бошқармалари
органлари фаолиятини баҳолаш мезонлари тўғрисида
Н И З О М**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилинишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4725-сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 3 июлдаги “Матбуот ва ахборот соҳасида бошқарувни такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-3103-сонли Фармони ҳамда Ҳукуматнинг 2004 йил 11 июндаги “Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 274-сон қарори асосида, Ҳукуматнинг 2013 йил 30 январда тасдиқланган «Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини самарали ривожлантиришни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар комплекси» ижроси юзасидан ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар матбуот ва ахборот бошқармалари томонидан матбаа фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар иштирокида ўтказиладиган профилактика ишларининг самарадорлигини баҳолаш тартибини белгилайди.

Тадбиркорлик субъектларида профилактика ишлари улар томонидан амалдаги қонун ҳужжатлари ва уларга киритилаётган ўзгартиришларни тушунтириш ҳамда ушбу субъектлар томонидан матбаа фаолиятни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари талаблари бузилишини олдини олиш мақсадида ўтказилади.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектларида профилактика ишларини Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги марказий аппарати,

Қорақалпоғистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар матбуот ва ахборот бошқармалари томонидан ташкил этиладиган «Очиқ эшиклар куни», «Ишонч телефонлари», семинар ва бошқа тадбирлар орқали ёки, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилиш орқали ўтказилиши мумкин.

Жойларга чиққан ҳолда ўтказиладиган профилактика ишлари билан биринчи навбатда матбаа фаолиятини энди ташкил этмоқчи бўлган, янгидан бошлаган ёки фаолияти давомида қонун бузилиш ҳолатларига йўл қўйиб келаётган субъектларда ўтказилиши лозим.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар матбуот ва ахборот бошқарма органлари томонидан ўтказиладиган профилактика ишлари ташкил этиш ва ўтказилиши ҳамда уларнинг самарадорлиги қуйидаги тартибда баҳоланади:

I. Ноширлик ва матбаа фаолияти билан шуғулланаётган тадбиркорлик субъектларида профилактика ишларини ташкил этилиши ва ўтказилиши.

II. Профилактика ишларининг самарадорлиги.

I. Ноширлик ва матбаа фаолияти билан шуғулланаётган тадбиркорлик субъектларида профилактика ишларини ташкил этилиши ва ўтказилиши бўйича:

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар матбуот ва ахборот бошқарма органлари томонидан ноширлик ва матбаа фаолияти билан шуғулланаётган тадбиркорлик субъектларида ўтказилган профилактика ишлари қуйидаги кўрсаткичлар асосида баҳоланади:

1. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар матбуот ва ахборот бошқармалари томонидан ноширлик ва матбаа фаолияти билан шуғулланаётган тадбиркорлик субъектлари билан бевосита профилактика ва тушунтириш ишларини ўтказиш:

- ҳисобот даврида ҳудуддаги матбаа фаолияти билан шуғулланувчи субъектларининг 10 фоизидан ортиғини қамраб олинган бўлса – 5 балл;

- ҳисобот даврида ҳудуддаги матбаа фаолияти билан шуғулланувчи субъектларининг 5 фоизидан 10 фоизигача қамраб олинган бўлса – 3 балл;

- ҳисобот даврида ҳудуддаги матбаа фаолияти билан шуғулланувчи субъектларининг 5 фоизигача қисми қамраб олинган бўлса – 1 балл.

2. Ноширлик ва матбаа фаолиятига доир қонун ҳужжатларининг талабларини тушунтириш юзасидан оммавий ахборот воситаларида қилинган чиқишлар сони:

- телевидение, радио ва матбуотда қилинган чиқишлар сони ҳар бир бўлинмага ўртача 15 та ва ундан кўпни ташкил этган бўлса – 5 балл;

- телевидение, радио ва матбуотда қилинган чиқишлар сони ҳар бир бўлинмага ўртача 5 тадан 15 тагачани ташкил этган бўлса – 3-балл;

- телевидение, радио ва матбуотда қилинган чиқишлар сони ҳар бир бўлинмага ўртача 5 тадан камни ташкил этган бўлса – 1 балл.

3. «Очиқ эшиклар куни» тадбирларини ташкил этиш орқали профилактика ишларини ўтказиш:

- ташкил этилган «Очиқ эшиклар куни» орқали қабул қилинган мурожаатларнинг 70 фоизидан кўпи ечимини топган бўлса – 5 балл;

- ташкил этилган «Очиқ эшиклар куни» орқали қабул қилинган мурожаатларнинг 30 фоизидан 70 фоизгача ечимини топган бўлса – 3 балл;

- ташкил этилган «Очиқ эшиклар куни» орқали қабул қилинган мурожаатларнинг 30 фоизгача ечимини топган бўлса – 1 балл.

4. Ноширлик ва матбаа фаолияти билан шуғулланаётган тадбиркорлик субъектлари ўртасида семинар, тушунтириш ишлари ва давра суҳбатлари ташкил этилиши орқали профилактика ишларини ўтказилиши:

- ташкил этилган семинарларда ноширлик ва матбаа фаолияти билан шуғулланаётган тадбиркорлик субъектларининг 50 фоизидан қамраб олинган бўлса - 5 балл;

- ташкил этилган семинарларда ноширлик ва матбаа фаолияти билан шуғулланаётган тадбиркорлик субъектларининг 20 фоизидан 50 фоизгача қисми қамраб олинган бўлса - 3 балл;

- ташкил этилган семинарлар ноширлик ва матбаа фаолияти билан шуғулланаётган тадбиркорлик субъектларининг 20 фоизгача қисми қамраб олинган бўлса - 1 балл.

5. Ноширлик ва Матбаа фаолияти билан шуғулланаётган тадбиркорлик субъектларининг назорат органлари томонидан қонун ҳужжатлари талаблари ақс этган тарқатма материаллар билан таъминланиши:

- Ноширлик ва Матбаа фаолияти билан шуғулланаётган тадбиркорлик субъектларининг 75 фоиздан ортиқ қисми тарқатма материаллар билан таъминланган бўлса – 5 балл.

- Ноширлик ва Матбаа фаолияти билан шуғулланаётган тадбиркорлик субъектларининг 50 фоиздан 75 фоизгача қисми тарқатма материаллар билан таъминланган бўлса – 3 балл.

- Ноширлик ва Матбаа фаолияти билан шуғулланаётган тадбиркорлик субъектларининг 50 фоизгача қисми тарқатма материаллар билан таъминланган бўлса – 1 балл.

II. Ноширлик ва Матбаа фаолияти билан шуғулланаётган тадбиркорлик субъектларида ўтказилган профилактика ишлари самарадорлиги:

6. Ноширлик ва матбаа фаолияти билан шуғулланаётган тадбиркорлик субъектларида ўтказилган Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси матбуот

ва ахборот агентлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар матбуот ва ахборот бошқармалари назоратида аниқланган камчиликларнинг белгиланган маддатда бартараф этилиши

(масалан, Кенгаш билан қўшимча келишувсиз назорат).

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар матбуот ва ахборот бошқармалари назоратида аниқланган камчиликларнинг бартараф этилиши даражаси:

- ҳисобот даврида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар матбуот ва ахборот бошқармалари назоратида ноширлик ва матбаа қонунчилиги бузилиши аниқланган ноширлик ва матбаа фаолияти билан шуғулланаётган тадбиркорлик субъектлари сонига нисбатан камчиликларни бартараф этиш даражаси 81 фоиз ва ундан юқори бўлса – 5 балл;

- Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар матбуот ва ахборот бошқармалари назоратида камчиликларни бартараф этиш даражаси 60 фоиздан 80 фоизгача бўлса – 3 балл;

- Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар матбуот ва ахборот бошқармалари назоратида камчиликларни бартараф этиш даражаси 60 фоиздан кам бўлса – 0 балл.

Изоҳ: ҳисобот даврида тадбиркорлик субъектлари ҳисоботларнинг 95-100 фоизи Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар матбуот ва ахборот бошқармалари назоратидан ўтказилган, камчиликлар аниқланиши даражаси 5 фоиздан ошмаган бўлса, бартараф этилиши даражасидан қатъий назар 5 балл билан баҳоланади.

7. Ноширлик ва матбаа фаолияти билан шуғулланаётган тадбиркорлик субъектларида ўтказилган режадан ташқари текширишлар сонининг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўзгариши

- режадан ташқари текширишлар сони камайган бўлса – 5 балл;
- режадан ташқари текширишлар сони ўзгармаган бўлса – 3 балл;
- режадан ташқари текширишлар сони ошган бўлса – 0 балл.

8. Ноширлик ва матбаа фаолияти билан шуғулланаётган тадбиркорлик субъектларида ўтказилган режали текширишлар натижалари тадбиркорларнинг тугатилиш даражасига олиб келмаслиги.

Охириги бир йил давомида текшириш ўтказилган тадбиркорлик субъектларидан:

- тугатилган ноширлик ва матбаа фаолияти билан шуғулланаётган тадбиркорлик субъектлари бўлмаса – 5 балл;

- 2 тагача ноширлик ва матбаа фаолияти билан шуғулланаётган тадбиркорлик субъектлари тугатилган бўлса – 3 балл;
- 3 таси ва ундан ортиқ ноширлик ва матбаа фаолияти билан шуғулланаётган тадбиркорлик субъектлари тугатилган бўлса – 0 балл.

9. Ўтказилган текширишларда ноширлик ва матбаа фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари томонидан ноширлик ва матбаа қонунчилиги бузилиши ҳолатлари камайишига эришиш:

- ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 70 фоиздан кўпга камайган бўлса – 5 балл;
- ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 35 фоиздан кўпга камайган бўлса – 3 балл;
- ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 35 фоизгача камайган бўлса – 1 балл.

10. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар матбуот ва ахборот бошқармалари органлари фаолияти устидан ноширлик ва матбаа фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари томонидан келиб тушган шикоятлар сонининг ўзгариши:

- ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 70 фоиздан кўпга камайган бўлса – 5 балл;
- ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 35 фоиздан 70 фоизгача камайган бўлса – 3 балл;
- ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 35 фоизгача камайган, камайган ёки ошган бўлса – 1 балл.

III. Ноширлик ва матбаа фаолияти билан шуғулланаётган тадбиркорлик субъектларида ўтказилган профилактика ишлари самарадорлиги асосида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар матбуот ва ахборот бошқармалар органлари фаолиятини баҳолаш.

Ноширлик ва матбаа фаолияти билан шуғулланаётган тадбиркорлик субъектларида ўтказилган профилактика ишлари самарадорлиги асосида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ҳудудий бошқарма органлари фаолияти ҳар чорак якуни билан Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан умумлаштирилиши йўл билан баҳоланиб борилади.

Мазкур Низомга мувофиқ қайд этилган кўрсаткичлар асосида ҳудудий Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан Қорақалпоғистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар матбуот ва ахборот бошқармалари фаолияти баҳоланиб борилади.

Баҳолаш натижаларига кўра энг паст кўрсаткичларни қайд этган бошқарма бошлиғи ва масъул ходимларига тегишли чоралар белгиланиши ҳамда энг яхши натижаларга эришган ва юқори баҳо олган бошқарма

бошлиғи ва масъул ходимларига рағбатлантириш чоралари кўрилиши мумкин.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан Қорақалпоғистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар матбуот ва ахборот бошқармалари томонидан ўтказилган баҳолаш натижалари бўйича иловадаги жадвал шаклида маълумот ва энг паст кўрсаткичларни қайд этган ходимларга нисбатан кўрилган чоралар тўғрисидаги ахборот ҳар чорак якуни билан кейинги ойнинг 10 санасига қадар Назорат қилувчи органла фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши ишчи органига юборилади.

Бош директори ўринбосари

К.Мансуров

Келишилди:

Ўзбекистон Республикаси

Адлия вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси

Иқтисодиёт вазирлиги